

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАЛБАЕВА ГУЛПАРШЫН САРСЕНБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ АФСОНАЛАРИ  
(генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам  
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

**Қалбаева Гулпаршын Сарсенбаевна**

Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи).....5

**Калбаева Гулпаршин Сарсенбаевна**

Каракалпакские народные легенды (генезис, жанровые особенности, классификации).....25

**Kalbaeva Gulparshin Sarsenbaevna**

Karakalpak folk legends (genesis, genre peculiarities, classification) .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАЛБАЕВА ГУЛПАРШЫН САРСЕНБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ АФСОНАЛАРИ  
(генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи)**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil268 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алламбергенов Кенесбай**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Баҳадирова Саригул**  
филология фанлари доктори, профессор

**Тилавов Абдимурод Холмуродович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Қорақалпоғистон бўлимнинг Қорақалпоқ  
гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50); факс: (99871) 233-71-44, e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиелилар кўчаси, 13-уй. Тел: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Мирзаев,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

**Л.А.Худайқулова,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Ш.Г.Турдимов,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки бадиий ижодиётининг тарихий-генетик асослари ва жанрлар таркибининг шаклланишини палеофольклористик нуқтаи назардан тадқиқ этиш борасидаги изланишлар тобора жадаллашмоқда. Глобаллашув жараёнлари ғоят жадаллашиб бораётган ҳозирги даврдаги ижтимоий-маданий тараққиётда фольклор анъаналарининг ўрнини белгилаш эҳтиёжи эса фольклор жанрлари назариясига доир тадқиқотлар кўламини янада кенгайтди. Натижада халқ ижодининг жанрлар таркибини тавсифлаш, жумладан, оғзаки наср жанрлари тизимининг таснифини яратиш, эпик сюжет ва мотивларнинг қиёсий-типологик табиати, тарихий-генетик асослари ва манбаларига оид янги назарий қарашлар юзага келди. Халқ насрини тадқиқ этишга доир замонавий илмий концепциялар қорақалпоқ халқ афсоналарининг генезиси, жанрий хусусиятлари ва бадииятини изчил тадқиқ қилиш имконини берди.

Дунё фольклоршунослигида эпик турга мансуб жанрларнинг ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилиши натижасида халқ насрининг мукамал таснифи яратилди. Натижада, оғзаки насрга мансуб фольклор асарларининг жанрий хоссалари белгиланиб, эпик сюжет ва мотивларнинг тарихий асослари ойдинлаштирилди. Ҳозирги замон фольклоршунослигининг оғзаки насрни тадқиқ этиш бўйича эришилган ана шундай ютуқлари қорақалпоқ халқ прозасининг жанрий табиати ва бадииятини ёритишга асос бўлди. Зеро, миллий фольклор меросимизни, хусусан, афсоналарнинг ўзига хос хусусиятларини жаҳон фольклоршунослигининг янги илмий-назарий концепциялари асосида ўрганиш орқали уларнинг миф, эртақ, ривоят, нақл, латифа ва лофлардан фарқланиб турувчи ўзига хос наср тури эканлигини асослаш, шунингдек, афсона сюжетларининг тарихий асосларини аниқлаш каби муаммолар ўз тадқиқотини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ халқ қалбига йўл топиб, унинг қайғу ва қувончига ҳамдард бўлиб яшаш, оғирини енгиллатиш, хуллас, халқ ҳокимиятга эмас, балки ҳокимият халққа хизмат қиладиган фуқаролик жамияти, ҳуқуқий-демократик мамлакат барпо этиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Юксак тараққиёт сари дадил одимлаётган мамлакатимизда маънавий қадриятларни, жумладан, фольклор анъаналарини ривожлантириш, номоддий маданий меросни асраш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, жамият ривожининг муҳим омилларидан бирига айланган халққа яқинлашиш ғояси «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ»<sup>1</sup> деган энг эзгу ва ҳаётий шиор воситасида босқичма-босқич давом эттирилиб, ҳатто бу ғоя 2017 йил қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 26.

стратегияси»нинг ижтимоий соҳани ривожлантириш бандида муҳим бош йўналиш сифатида белгиланди<sup>2</sup>. Мана шундай ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, уни халқ онгига сингдиришда, жамоатчиликни ҳокимият ва халқ жипслиги руҳида тарбиялашда миллий кадриятлар билан бирга миллий меросимизнинг, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарининг роли ниҳоятда каттадир. Чунки, халқимиз руҳий оламига хос бўлган эртақ, ривоят, афсона ва дostonларда тенг ҳуқуқли фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан, халқ ва давлат, мамлакатни адолатли идора этиш масалалари бўйича ибратли фикрлар илгари сурилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010 – 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида афсона жанрининг халқ оғзаки насри тизимида тутган ўрни, бадий-эстетик хусусиятлари ва жанрий белгилари ҳақида бир қатор назарий қарашлар ўртага ташланган. Жумладан, С.Н.Азбелев, В.П.Аникин, В.Е.Гусев, Е.М.Мелетинский, В.Я.Пропп, В.К.Чистов, В.П.Кругляшова, Ю.М.Шеваренкова, Л.Л.Кушнарева, А.П.Липатова, А.С.Майер каби рус

---

<sup>2</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари // Маърифат. – Тошкент, 2017 йил, 16 август, №1715 (9026).

олимпларининг асарларида афсоналарнинг жанрий табиати, генезиси ва бадиияти масалалари кенг ёритилган<sup>3</sup>. Бундан ташқари, даргин, қалмиқ, бурят, озарбайжон, чуваш, қозоқ, бошқирд, туркман афсоналари бўйича жиддий тадқиқотлар яратилган<sup>4</sup>. Ўзбек халқ афсоналари К.Имомов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, М.Раҳмонова томонидан ўрганилган<sup>5</sup>.

Қорақалпоқ халқ афсоналар эса Н.Даўқараев, Қ.Айымбетов, Қ.Мақсетов, С.Баҳадирова, К.Алламбергенов, Ж.Хошаниязов каби олимлар томонидан фольклоршунослик ва адабиётшуносликнинг у ёки бу масалаларига боғлиқ ҳолда маълум даражада таҳлилга тортилган<sup>6</sup>. Кейинги йилларда ушбу жанрларни ҳар хил аспектларда ўрганишга бўлган қизиқиш Т.Керўенов, И.Алламбергеноваларнинг ишларида акс этган<sup>7</sup>.

Аммо қорақалпоқ фольклоршунослигидаги афсоналарнинг ўрганилиш даражасини муайян бир тизимга солинган, тугалланган тадқиқотлар деб

---

<sup>3</sup> Азбелев С.Н. Проблемы международной систематизации преданий и легенд // Русский фольклор. – М – Л.: Наука, 1966. – Т. X. – С.176 – 195; Аникин В.П. Художественное творчество в жанрах сказочной прозы // Русский фольклор. – Л.:Наука, 1972. – Т. XIII. – С.6 – 19; Гусев В.Е. Эстетика фольклора. – Л.: Наука, 1967. – 319 с.; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – 407 с.; Пропп В.Ч. Фольклор и действительность. – М., 1989. – 233 с.; Чистов В.К. Русская народная утопия (генезис и функции социально-утопических легенд). СПб., 2003; Кругляшова В.П. Предания и легенды Урала. – Свердловск, 1991; Шеваренкова Ю.М. Русская устная народная легенда в ее жанровых разновидностях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ижевск, 2002. – 190 с.; Кушнарева Л.Л. Христианские и мифологические сюжеты в сказочной прозе старообрядцев (семейских Забайкалья конец XIX – начало XX): Дисс. ... докт. филол. наук. – Улан-Удэ, 2004. – 246 с. Липатова А.П. Местные легенды: механизмы текстообразования: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ульяновск, 2005. – 24 с.; Майер А.С. Московские городские легенды как исторический источник (историческая память и образ города): Автореф. дисс. канд. истор. наук. – М., 2008. – 26 с.

<sup>4</sup> Алиева Ф.А. Этнонациональные особенности даргинских преданий и легенд: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2008; Басаев Д.Э. Калмыцкие народные легенды и предания: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2009. Малзурова Л.Ц. Бурятские легенды и предания: жанровая специфика, типология, художественные особенности: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2013. – 41 с. Фарзалиев Т. К вопросу о понятии "легенда" и классификации азербайджанских легенд // Известия АН Азерб. ССР. Серия: литература, язык, искусство, 1978. – Т. III. – С. 32 – 41; Пашаев С.Х. Азербайджанские народные легенды и проблемы их исследования: Автореф. дис. ... доктора филол. наук. – Баку, 1989. – 58 с.; Ахмедов М.М. Семейно-бытовая тема в азербайджанских народных легендах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 2010; Ильина Г.Г. Сказочная проза в системе жанров чувашского фольклора: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ижевск, 2006. – 228 с.; Қасқабасов С. Қазактың халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1981. – 272 б.; Надршина Ф.А. Башкирская народная сказочная проза: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Уфа, 1998. – 24 с.; Баймырадов А. Түркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – 164 б.

<sup>5</sup> Имомов К. Генезис и поэтическая трансформация жанров узбекской устной прозы: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тошкент, 1986. – 56 с.; Шу муаллиф. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2009. – 252 б.; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: Фан, 1996. – 57 б.; Шу муаллиф. Ўзбек самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1996. – 108 б.; Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991; Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент, 2003. – 139 б.; Шу муаллиф. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. – Тошкент: Фан, 2009. – 132 б.

<sup>6</sup> Даўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. II. – 355 б.; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – 492 б.; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аңыз еки дөретпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – 340 б.; Баҳадырова С. Қарақалпақ халық прозасы: миф, эпсана, аңыз // ӨзР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – №1. – Б. 107 – 110; Аллаамбергенов К. Миф, ертеке, аңыз хэм дәстан // Қарақалпақстан муғаллими. – Нөкис, 1995. – №3 – 4. – Б. 102 – 118; Хошаниязов Ж. Хәким ата туўралы аңызлардың дәўирлик белгилери хэм гейпара параллеллер // ӨзР ИАҚҚБ Хабаршы. – Нөкис, 2007. №4. – Б. 95 – 97.

<sup>7</sup> Керўенов Т.А. XIX әсир карақалпақ поэзиясында миф хэм аңызлардың қолланылыўы: Филол. илим. докт. ... дис. – Нөкис, 2016. – 221 б.; Аллаамбергенова И.Х. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.

айтиш қийин. Бу, биринчидан, қорақалпоқ халқ насрининг, хусусан, миф, афсона, ривоятларнинг махсус тадқиқот объектига айланмаганлиги билан изоҳланса, иккинчидан, улар ҳақидаги баъзи қарашларнинг қарама-қаршиликларга тўла эканлигида намоён бўлади. Бундай тадқиқотларда афсона ва бошқа халқ насри жанрларининг чегаралари, улардаги жанрий белги ва мезонларнинг тўла аниқланмаганлиги кузатилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Қорақалпоқ адабиёти кафедраси илмий тадқиқот режасининг «Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодиёти ва адабиёт тарихи», «Ҳозирги филология фанларининг долзарб масалалари» номли илмий йўналишлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қорақалпоқ халқ афсоналарининг эпик турга мансуб алоҳида жанр сифатидаги хусусиятларини аниқлаш, сюжет силсиласи ва мотивлар таркибининг генетик илдизларини ёритиш ҳамда мавзу типларига кўра таснифлаш асосида қорақалпоқ халқ насри жанрларининг шаклланиши тарихи туркий халқлар фольклорининг қадимги даврларига бориб тақалишини исботлашдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қорақалпоқ халқ афсоналарининг жанрий хусусиятларини таҳлил қилиш орқали уларнинг эртақлардан, шунингдек, миф, ривоят, чечанлик сўзлари, латифалар, лофлардан фарқланиб турувчи ўзига хос наср тури эканлигини асослаш;

афсона жанрининг генезиси, сюжет тизимининг манбалари ва шаклланиш босқичларини ўрганиш;

афсоналарни мавзу йўналишига кўра типларга ажратиш ва тасниф қилиш;

афсоналардаги етакчи сюжет мотивларининг тарихий асослари, ижтимоий-эстетик ва бадиий-поэтик вазифаларини ёритиш;

афсоналарнинг қорақалпоқ халқ насри тизимида тутган ўрнини белгилаш;

қорақалпоқ афсоналарининг Оролбўйи минтақаси туркий халқлари оғзаки насри анъаналари билан типологик муштараклигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида халқимиз орасида сақланиб келаётган афсоналарнинг барча турлари, шунингдек, чет эллик олимлар томонидан ёзиб олиниб, нашр этилган намуналари билан бир қаторда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб чоп этилган халқ ижоди тўпламларида яхлит ҳолда босилиб чиққан нашрлари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тўпланган ва нашр қилинган қорақалпоқ халқ афсоналарини муайян бир илмий тизимга солиб ўрганиш, уларнинг генезисини, жанрий хусусиятларини, тараққиёт йўлларини, етакчи сюжет мотивларининг тарихий-генетик асослари ва поэтик вазифаларини аниқлаш ва ўрганиш муаммолари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзуини ёритишда тарихий-қиёсий, тарихий-генетик, қиёсий-типологик усуллардан, шунингдек, бадиий-эстетик таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ фольклоршунослигида биринчи марта афсона жанри ҳаётий воқеликни ҳаёлий уйдирма асосида акс эттириши, эпик талқинда фантастиканинг устуворлик қилиши, матннинг бадиҳагўйлик асосида ўзгариб туриши, тингловчига муайян тарихий-этнографик ва ижтимоий-маданий ахборотни етказиш мақсадида айтилиши каби хусусиятларига кўра халқ насрининг бошқа жанрларидан фарқланиб туриши исботланган;

ҳаётий воқеликни ўзига хос тарзда акс эттириши жиҳатидан қорақалпоқ фольклоридаги афсоналарнинг «мифологик афсоналар», «тарихий шахслар ҳақидаги афсоналар», «топонимик афсоналар», «диний-китобий афсоналар», «ижтимоий-утопик афсоналар» ва «ижтимоий-турмуш масалаларига доир афсоналар» каби олти типдан иборат янги таснифи яратилган;

дастлабки афсоналар қадимги мифологик тасаввурларнинг вербал шаклдаги ифодалари, ҳаётий воқеликни акс эттирувчи оғзаки ҳикоялар, айрим тарихий воқеа ва тарихий шахслар ҳақидаги ривоятлар – ангизларнинг бадиий тафаккур тараққиёти давомида фантастик уйдирма ва диний тушунчалар билан уйғунлашиб кетиши натижасида юзага келганлиги аниқланган;

оғзаки насрга мансуб асарлардаги етакчи мотивларнинг туб илдизлари туркий халқлар фольклорининг қадимий қатламига мансуб бўлиб, мифларнинг кейинги стадиал босқичида ўз кўриниши ва функцияларини ўзгартириб, бадиий-эстетик табиат касб этиши билан боғлиқлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ афсоналарининг халқ насри тизимида тутган ўрни, эртақлардан, эртақ бўлмаган насрий асарлардан (миф, ривоят) фарқланиб турадиган, оғзаки насрнинг бир тури эканлиги асослаб берилган;

мазкур жанрнинг оғзаки бадиий насрнинг алоҳида бир тури эканлигини аниқлаш натижасида фольклоршунослик фани бўйича яратилган дарслик, қўлланмаларни такомиллаштириш, янги илмий-назарий фикрлар билан бойитиш имконияти яратилган;

қорақалпоқ фольклорида афсоналарнинг ўрнини белгилаш орқали эртақ бўлмаган наср турлари бўйича аниқ бир илмий-назарий концепция ишлаб чиқилган ҳамда унинг эртақ насрига ва миф, ривоят, чечанлик сўзларга мансуб бўлмаган алоҳида бадиий-эстетик тизим эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммоларнинг аниқ белгиланганлиги, фойдаланилган амалий ва назарий маълумотлар, илмий ва эпик манбалар бўйича таҳлиллар ва чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, қиёсий-генетик усулларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Қорақалпоқ халқ насридаги афсона жанрининг илмий нуқтаи назардан ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши авлод-аждодларимизнинг кўп асрлик ҳаёт йўллари, тажрибалари, яшаш шароитлари, турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари билан бирга рухий-маънавий дунёсини чуқурроқ танишишга йўл очади. Тадқиқотнинг хулоса ва натижалари олий ва ўрта таълим муассасаларида қорақалпоқ халқ фольклори, хусусан, афсона жанри бўйича кенг маълумотларга эга бўлишига, бакалавр малакавий ишларини тайёрлашда, магистрлик диссертацияларни ҳимоя қилишда, ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда ёрдамчи илмий манбалардан бири сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ халқ афсоналари генезисини, жанр хусусиятларини ўрганиш давомида эришилган натижалар куйидаги йўналишларда жорийланган:

қорақалпоқ афсоналарининг жанр хусусиятлари, тарихий-генетик асослари ва бадииятига доир илмий-назарий хулосаларидан ЎзРФАҚҚ бўлими, Қорақалпоқ гуманитар илмий тадқиқот институтида Ф1-СА-О-434-29. ФА-Ф1-ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳасини бажаришда, жумладан, қорақалпоқ халқ афсоналарининг жанрий хусусиятлари, жанр сифатида шаклланишининг асосий босқичлари, эпик сюжет мотивларининг тарихий-генетик асослари, бадиий хусусиятлари, ғоявий-мавзуйий йўналишларини тадқиқ этишда фойдаланилган (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2018 йил 22 октябрдаги 209/1-сон маълумотномаси). Натижада афсона жанрининг бошқа эпик жанрлари, жумладан, миф, эртак, ривоят, нақл ва лофлардан фарқланиб турадиган жанрий белгиларини аниқлашга доир назарий критерийлар такомиллаштирилган;

қорақалпоқ афсоналарида тарихий воқелик ва тарихий шахслар образининг акс этирилишига доир фактик материаллар ва илмий-назарий қарашлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ Миллий музейи ходимлари томонидан амалга оширилган 50-14/21-сонли «Доноларни излар эдим» давлат лойиҳасини бажаришда назарий ва амалий асос сифатида фойдаланилган. Шунингдек, қорақалпоқ фольклоршунослиги бўйича музей залларида ўтказилган кўргазмалар дарсларда, илмий анжуманларда афсоналар бўйича маърузалар қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 2-03/1941-сон маълумотномаси). Атоқли шоир Бердақ ҳақидаги халқ афсоналари ва ривоятларида ижодкор образининг бадиий талқинини таҳлил қилиш натижасида афсона сюжетининг шаклланишига ҳаётий воқеликнинг асос бўлиши ҳақидаги илмий қарашларни кенг қўламда тарғиб қилишга эришилган;

афсоналарнинг ёшларда ота-боболаримиз яратган маънавий бойликларга бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришда, ватанпарварлик, миллий ғурур ва

ифтихор руҳида тарбиялашдаги ўрнига доир илмий хулосаларидан Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси 2016 йил октябрь, 2018 йил август, 2018 йил сентябрь ойларида «Ёшлар учун», «Адабиёт ва давр» эшиттиришларида фойдаланилган. (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2018 йил 19 октябрдаги 01-2/483-сон маълумотномаси). Илмий натижалар орқали қорақалпоқ афсоналарининг ўзига хос жанрий хусусиятлари, уларнинг халқ оғзаки ижодида, шунингдек, комил инсон тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти борасидаги тавсиялари жамоатчилик орасида кенг жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-назарий анжуманларида ўқилган маърузаларда жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 166 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган илмий ишлари, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоқ афсоналарининг илмий-назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобининг илк фасли «Қорақалпоқ халқ насри жанрлари тизимида афсоналарнинг тутган ўрни ва атама-термин маъноси изоҳи» масаласига бағишланади.

«Афсона» сўзи халқ тилида кўп вақтлардан буён сақланиб ва қўлланиб келаётганига қарамадан, XX асрнинг 80-йилларига қадар қорақалпоқ фольклоршунослигида афсоналарнинг термин сифатидаги атамаси шаклланмаганлиги кўзга ташланади. Масалан, Н.Даўқараев ўзининг 30 – 40-йиллардаги халқ оғзаки ижоди бўйича олиб борган тадқиқотларида мифларни «миф», ангизларни (ривоят) эса «легенда» термини орқали ифодалаган<sup>8</sup>. Қ.Айымбетов ҳам «легенда» термини орқали ривоятларни тушунтиришга ҳаракат қилади. Аммо унинг «легендалар эртак шаклида баён этилса ҳам, тарихий воқеалар ва ҳақиқатда бўлган воқеалар билан боғлиқ

<sup>8</sup> Даўқараев Н. Шығармаларынын толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. II. – Б.170 – 184.

бўлади»<sup>9</sup>, деб тасдиқлашига караганда, «легенда» афсона маъносини англатади. Қ.Мақсетовнинг ўтган асрнинг 60 – 70-йилларигача бўлган тадқиқотларида ҳам «афсона» термини деярли учрамайди. 60-йиллардаги тадқиқотларида эса, у ангизларни «легенда» термини остида таҳлил қилади. Лекин, олимнинг «Тарихий ҳодисаларнинг тўлиқ ифодаси бироз ўзгаришга учраб, кўшимчалар кўшилиб, ёхуд ҳақиқий ҳаётда бўлган одамлар, шаҳарлар, шунингдек, у ёки бу нарсаларнинг пайдо бўлишидаги баъзи бир деталлар нутилиб, улар тахмин, фараз қилишлар орқали легендаларга айланиб кетган»<sup>10</sup>, деб таъкидлашидан афсонани кўзда тутганини англаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бу афсоналарга бериладиган таърифдир. Умуман, XX асрнинг 90-йилларигача қорақалпоқ фольклоршунослигида «афсона» термини шу тарзда ҳар хил изоҳланиб келинди. Бу термин илк бор С.Баҳодированинг тадқиқотларида тўғридан-тўғри «афсона» термини маъносида қўллана бошлади<sup>11</sup>. Афсонани русча «легенда» маъносида тушуниш бугунги кунда аксарият МДХ халқлари фольклоршунослигида кузатилади. Уларда «легенда»га берилган изоҳлар қорақалпоқ фольклоридаги ангиз эмас, кўпроқ «афсона» маъносига тўғри келади. Шу сабабли биз ҳам «афсона»ни «легенда» термини ўрнида аташни таклиф қилган ҳолда **афсоналар қадимда рўй берган воқеалар ва бадий тўқима воқеаларни мифик тасаввур, кароматгўйлик ёки диний тушунчаларга боғлаб тасвирлайдиган ибтидоий одамлар, қушлар ва ҳайвонот дунёси, осмон жисмларининг вужудга келиши, уруғ-қабилаларнинг, макон, ер-сув, тоғ атамаларининг пайдо бўлиши, диний байрамларнинг жорий қилиниши, анъаналарнинг тўғилиши, шунингдек, пайғамбарлар, ва тарихий сиймолар ҳақида сўз юритадиган эртак бўлмаган насрнинг кичик шаклидир**, деган хулосага келдик.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Қорақалпоқ афсоналарининг тўпланиши ва нашр қилиниши»** деб номланган. Маълумки, XVIII асрнинг 40 – 50 – 60- йилларида қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишга қизиқишлар асосан чет эллик олимлар, жумладан, кўпроқ рус сайёҳлари, савдогарлари, ҳарбий-маъмурий ходимлари, типограф, географ, тарихчи, этнограф ва филолог олимларидан иборат бўлган. Умуман, бу даврлардаги русларнинг ҳарбий, сиёсий, дипломатик, илмий ишлар олиб бориш, тижорат ва бошқа мақсадларда юритган кўпгина экспедициялари, ташрифлари ва саёҳатлари Ўрта Осиё халқларининг, шунингдек, қорақалпоқ халқининг турмуш тарзини, ҳудудини ва маданиятини тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ашъвий материалларни қолдирди<sup>12</sup>. Аммо дастлабки босқичларда (XVIII аср ўрталари, XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари) у мақсадли махсус илмий тизим сифатида олиб борилмади. Бу ишларининг мақсадли илмий тизим сифатида олиб борилиши XX асрнинг 20-йилларига

<sup>9</sup> Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – Б. 35.

<sup>10</sup> Мақсетов Қ., Тажимуратов Ө. Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б. 182 – 187.

<sup>11</sup> Қарақалпақ аңызлары, эпсаналары, шешенлик сөзлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 164.

<sup>12</sup> Нурмухаммедов М.К. Рус – карақалпақ мәдений байланыслары тарийхынан. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 16.

тўғри келади. Маълумки, XX асрнинг 30 – 40-йилларида ташкил қилинган экспедицияларда 100 га яқин, 50 – 80-йиллар орасидаги экспедицияда эса 500 га яқин халқ эртаклари, ангиз (ривоят) ва афсоналари «эртак», «ангиз» атамаларида ёзиб олиниб, нашр эттирилди<sup>13</sup>. Албатта, оғзаки халқ насрининг миф, афсона, ангиз каби турларининг шу тарзда «эртак» таркибида тўпланишининг ўзига хос объектив сабаблари бор эди. Чунки ўтган аср 80-йилларининг охирига қадар пайғамбарлар, авлиёлар, уламолар ҳақида сўз юритувчи, динни ташвиқ ва тарғиб этувчи мифлар, афсоналар юртимизда ҳукм суриб турган коммунистик мафкура тазйиқи сабабли нашр қилинмади. Тўпланган материаллар яқин вақтларгача ЎзР ФА ҚҚ бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий тадқиқот институтининг қўлёзмалар фондида сақланди<sup>14</sup>, айримларигина ўша даврларда нашр қилинган тўпламларда (дарслик ва хрестоматияларда) эълон қилинди<sup>15</sup>. Мустақилликка эришгач, нашр қилинган тўпламларни<sup>16</sup> сермазмун материаллар билан тўлдиришда мазкур манбалар катта аҳамиятга эга бўлди. XX асрнинг 90-йиллардан бошлаб халқ афсоналарини тўплашда катта бурилиш юз берди. Чунки бу даврда афсоналар ўз термин атамасида ёзиб олиниб, нашр қилина бошлади<sup>17</sup>.

Биринчи бобнинг **«Қорақалпоқ афсоналарининг ўрганилиш даражаси ва илмий-назарий масалалари»** деб номланган учинчи фаслида афсоналарнинг собиқ иттифоқ (ҳозирги МДХ) ва туркий халқлари, жумладан, бошқирд, қалмоқ, татар, туркман, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқлари фольклоршунослигида ўрганилиши даражаси, шунингдек, XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида юзага келган тадқиқотлар таҳлил қилинди. Дастлабки даврларда МДХ халқларининг фольклоршунослигида афсоналар (легендалар) алоҳида жанр сифатида эмас, балки эртакнинг бир тури – «легендар эртаклар» деб ўрганилиш ҳолатлари кузатилади. XX асрнинг 70-йилларига келиб, собиқ тузум олимлари халқ насрининг легенда, предание, анекдот, былина, быличка, сказ каби жанрий турларини таъкидлаб, уларнинг дoston, эртак жанрларидан фарқли жиҳатларини аниқлаб, «несказочная проза» атамаси билан алоҳида ўрганиладиган жанрлар

<sup>13</sup> Халық ертеклери менен қосықлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1941. (Нашрга тайёрлаган Н.Жапаков); Халық ертеклери. Хрестоматия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1941. (Нашрга тайёрлаган Ө.Шамуратов); Қарақалпақ халық ертеклери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1949; Қарақалпақ халық ертеклери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1956.

<sup>14</sup> Мәмбетназаров Қ. Дала жазыўлары. ЎзР ФА ҚҚ бўлими кулёзмалар фонди. Инв.№ 50411, № 176391; Полевые записи К.Максегова. Фольклорная экспедиция на территории Кунградского района. С 5 октябрь – 5 ноябрь. 1960 г. Инв. № 36809; №36834; Төреев А. Дала жазыўлары. Инв.№ 37341; Каримов А. Дала жазыўлары. Инв. № 183023; Ж.Хошаниязов. Дала жазыўлары. Инв. № 182886.

<sup>15</sup> Қарақалпақ халық легендалары хәм анекдотлары. – Нөкис – Самарқанд: ҚҚМБ, 1962. – Б. 130; Максегов Қ., Тәжимуратов Ө. Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б.162 – 188.

<sup>16</sup> Қарақалпақ халық аңызлары, әпсаналары, шешенлик сөзлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 164; Қарақалпақ халық аңызлары хәм анекдотлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – Б. 130.

<sup>17</sup> Баҳадырова С. Халық арасынан жыйналған материаллар. Нөкис, 1990-2008 жж. ЎзР ФА ҚҚ бўлими кулёзмалар фонди. Инв.№ 176526; «Арал бойы халықларының әйемги дәўирден бүгинги күнге шекемги миф хәм әпсаналары». Нөкис. 1994 – 1998. Инв.№ 176482; Қанаатов Т. «Мөнке батыр», 1994. – 32 бет. Инв. № 180089; «Мурахар» дәстаны хәм басқада материаллар. Наўайы ўәлаяты, Тамдыбулақ, 1998. Инв. № 180081. Қарақалпақ фольклоры. 100 томлық. 77 – 87-томлар. – Нөкис: Билим, 2014. – Т.77; Мифлер хәм мифлескен әпсаналар. – Б. 13 – 43. – Т. 78; Әпсаналар. – Б. 43 – 80.

чегарасини белгилайди. Ўша даврлардан бошлаб бу халқларнинг фольклоршунослигида халқ насрини тадқиқ қилиш борасида янги йўналиш бошланди. XX аср охири – XXI аср бошларида эса собиқ тузум таркибидаги халқларнинг, хусусан, айрим туркий халқлар фольклоршунослигида эртак бўлмаган наср жанрлари (миф, ангиз, афсона) алоҳида тадқиқот объектларига айланиб, улар бўйича махсус тадқиқотлар<sup>18</sup> майдонга келди. Мазкур тадқиқотлар аввалгиларидан тадқиқ қилинаётган масалаларга ҳар хил аспектда, илмий-назарий жиҳатдан чуқурроқ ёндашиши билан ажралиб туради. Шунингдек, кейинги даврларда афсоналарнинг мавзуий турлари алоҳида тадқиқот объекти бўла бошлади. Бу соҳада ўзбек фольклоршунос олимларининг изланишларида фаоллик кўзга ташланади. Масалан, К.Имомов<sup>19</sup>, М.Жўраев<sup>20</sup>, М.Раҳмоноваларнинг<sup>21</sup> тадқиқот ишлари шу масалага қаратилган. Бундан ташқари, ўзбек фольклорининг айрим эпик жанрларига бағишланган махсус тадқиқотларда ҳам миф, эртак, афсона каби жанрларнинг трансформацияси, диффузияси ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин<sup>22</sup>. Бу жанрларнинг қорақалпоқ фольклоршунослигида ўрганилиш ҳолатига эътибор қаратсак, ҳозиргача афсоналарнинг тарихий манбаларини асослаб бериш, шунингдек, уларни жанрий-мавзуий турларга ажратиш, ғоявий-бадий жиҳатдан такомиллашиш йўллари аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмади. Аммо Н.Даўқараев, Қ.Айымбетов, Қ.Мақсетов, Қ.Мамбетназаров, С.Баҳадирова, Қ.Жаримбетов, К.Алламбергенов, Ж.Хошаниязовларнинг ишларида афсоналарга оз бўлса-да тўхталиб, жанрнинг лексик-семантик маъноси, термин сифатидаги атамаси масалалари маълум даражада ўрганилган.

Қорақалпоқ фольклорининг жанрий таркиби ҳақидаги энг дастлабки илмий фикрлар Қ.Айымбетов ва О.Кожуровларнинг мақоласида<sup>23</sup> берилган. Бунда фольклорнинг эртак, тўлғов, дoston каби эпик жанрлари таъкидланиб,

<sup>18</sup> Гилязутдинов С. М. Татарские исторические предания и легенды и их художественные особенности: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2000; Шеваренкова Ю.М. Русская устная народная легенда в ее жанровых разновидностях: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ижевск, 2002; Алиева Ф.А. Этнонациональные особенности даргинских преданий и легенд: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Махачкала, 2008; Басаев Д.Э. Калмыцкие народные легенды и предания: Автореф. дисс..канд. филол. наук. – Элиста, 2009; Бессонов И.А. Русская эстахологическая легенда:источники, сюжетный состав, поэтика. Автореф. дисс..канд. филол. наук. – М., 2010; Малзурова Л.Ц. Бурятские легенды и предания: жанровая специфика, типология, художественная особенности: Автореф. дисс.. канд. филол. наук. – Элиста, 2013.

<sup>19</sup> Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2009; Шу муаллиф. Мифологик афсоналар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №6. – Б. 68 – 71.

<sup>20</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. докт... дис. – Тошкент, 1996. – Б. 57; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 165; Жўраев М., Нарзикулов М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, 2006. – Б. 183.

<sup>21</sup> Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. фан. ном.... дисс. – Тошкент, 2003.

<sup>22</sup> Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 170; Мирзаев Т. Ўзбек бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 150; Мирзаев Т., Жўраев М. «Авесто» ва халқ оғзаки ижоди // «Авесто» ва унинг инсоният тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2011; Саримсақов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 109.

<sup>23</sup> Айымбетов Қ., Кожуров О. Қарақалпақ адабиятының түрлери // Қарақалпақстан адабияты ҳам искусствосы. – Торткуль, 1939. – № 4,5 (38). – Б. 79 – 80 (Ушбу журнал ЎЗР ФА ҚҚ бўлими қулёмалари фондида сақланган. Инв. № 135201; № 3405).

жанрий хусусиятлари изохланади. Н.Даўқараевнинг XX асрнинг 30 – 40-йиллардаги тадқиқотларида<sup>24</sup> халқ насрининг «миф», «эртақ, «ангиз» каби жанрий турларини фольклорнинг эпик тури доирасида таҳлил қилиб, биринчилардан бўлиб бу жанрнинг илмий-назарий асосларига диққат қаратади. Олимнинг миф, эртақ жанрлари ҳақидаги таърифлари қорақалпоқ фольклори эпик жанрларини, шунингдек, оғзаки халқ насрини ўрганишда бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Қ.Айымбетов 60-йиллардаги тадқиқотларида «легенда» терминини биров бошқача талқин қилиб, унинг тарихийлик сифатига эмас, кўпроқ тўқималик, эртақлик маъно-мазмунда бўлишини атаб ўтади<sup>25</sup>. Қорақалпоқ халқ насри намуналари, шунингдек, халқ афсоналарини бир эстетик тизим сифатида талқин қилиш Қ.Мақсетовнинг XX аср 90-йиллар иккинчи ярмидаги ишларида бир қанча ойдинлашганини ва яхлит ҳолга келтирилганини кўриш мумкин. Бироқ олимнинг афсоналарга берган таърифи кўпроқ «миф»га, ангиз ҳақидаги фикри «афсона»га, ривоят ҳақидагиси эса «ангиз»га тўғри келади<sup>26</sup>. С.Баҳодированинг сўнги йиллардаги тадқиқотларида қорақалпоқ халқ эртақ бўлмаган насри жанрлари таркиби таҳлил қилиниб, улар орасидаги жанрий чегаралар, ҳар бир жанрий турнинг ўзига хосликлари кўрсатилади<sup>27</sup>. Олимнинг фикрлари қорақалпоқ фольклоршунослигида ўрин олган чалкашликларни бартараф қилишда илмий асос ва амалий кўрсатма вазифасини бажарди.

Иккинчи боб **«Қорақалпоқ афсоналарининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва жанрий хусусиятлари»** деб номланади. Унинг **«Афсоналарнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида мифик онг, диний эътиқод ва инончларнинг тутган ўрни»** деб номланган биринчи фаслида қорақалпоқ афсоналарининг энг қадимий намуналарининг ғоявий илдизлари ва сюжет асосларининг эски мифлар билан алоқадор эканлиги очиб берилди. Бундай афсоналар қаторига дунёнинг пайдо бўлиши, ер, осмон жисмлари, ибтидоий одамлар, ўсимлик, ҳайвонот оламининг вужудга келиши, шунингдек, уруғ-қабилалар, мадақкор, ҳомий руҳларига айланган тангрилар, худолар, маъбудлар, ҳомий культлар, авлиё ва анбиёлар ҳақидаги афсоналарни келтириб ўтиш ўринли. Эрамизгача бўлган даврлардаёқ пайдо бўлган афсонавий воқеаларнинг баъзи бир вариантлари (версия) туркий халқлар орасида кенг тарқалган ва ушбу асарлар ўша халқларнинг муштарак мероси ҳисобланган.

Иккинчи бобнинг **«Тарих, ривоят ва реал воқелик ва афсона»** деб номланган иккинчи фаслида қорақалпоқ афсоналарининг пайдо бўлиши ва шаклланишида тарих ва ҳаётий воқелик излари, шунингдек, қадимги даврларда туркий халқлар орасида яратилган ёзма манбалар, ёдгорликларнинг тутган ўрни очиб берилди.

<sup>24</sup> Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. II. – Б. 170 – 184.

<sup>25</sup> Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – Б. 35.

<sup>26</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дөретпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – Б. 218.

<sup>27</sup> Баҳадырова С. Қарақалпақ халық прозасы: миф, эпсана, аңыз // ӨзР Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – № 1. – Б. 107 – 110.

Тарихий воқеа ва тарихий сиймолар ҳақидаги афсоналар дастлаб ривоят бўлиб тарқалган. Вақт ўтиши билан бадий тўқималар, ҳар хил диний тушунчалар билан бойитилиб афсоналарга айланган. Масалан, халқимиз орасида тарқалган Қўрқут ота, Сулаймон шоҳ, Искандар шоҳ, Чингизхон ҳақидаги афсоналарда тугунли, реал тарихий воқеаларнинг ўзаги йўқ, ривоятга асос бўлган воқеалар хиралашиб, унутилиб, афсонага айналган. Баъзи ҳолларда қадимий мифик воқеалар тарихий шахсларга ҳам нисбат берилиши мумкин. Масалан, «Искандарнинг шоҳи бор» афсонасида унинг тенгсиз куч-қудратга эга ҳукмдор бўлганлигининг сабаби унинг бошидаги шоҳи билан изоҳланади. Олимлар «шоҳли Искандар ҳақидаги афсоналарнинг илдизлари юнонларнинг эшак қулоқли Мидас номли шоҳи ҳақидаги миф» билан алоқадор деган фикр билдирадilar. Тарихий шахслар (Чингизхон, Едиге) ҳақида шарқ халқлари орасида тарқалган афсоналар ва уларнинг ёзма манбалари<sup>28</sup>, шунингдек, қадим тарихда рўй берган воқеалар (масалан, Нух пайғамбар ва тўфон воқеаси) ҳақидаги афсоналарнинг мифик сюжетлари<sup>29</sup>, диний китоблар ва ёзма манбалардаги<sup>30</sup> нусхалари таҳлил қилиниб, афсона илдизларининг қадимий манбалардан бошланиши ёритиб берилди. Афсоналарнинг яна бир ўзаги сифатида қадимги даврларда туркий халқлар орасида яратилган ёзма манбалар («Авесто», «Ўғузнома»), диний китоблар («Қуръон», ҳадис), ёдгорликлар, шоҳларнинг шажаралари, пайғамбарлар тарихи, шунингдек, ёзма манбалар – Рабғузийнинг «Қиссас ул-анбиё», Сулаймон Боқирғонийнинг «Меърожнома» ва бошқаларни келтириш мумкин. «Авесто»даги мифик қатламлар: яхшилик ва ёвузлик кучлари орасидаги қарама-қаршиликлар, зардуштийлик дини тушунчалари ва мифик тасаввурлари излари, шунингдек, «Ўғузнома» сюжети силсиласининг маълум бир қисми қорақалпоқ халқ дostonлари, эртак ва афсоналарининг поэтик қурилишига сингиб кетган. «Қуръон», ҳадис сюжетлари бўлса, кароматли пайғамбарлар, авлиёлар, саҳобалар, уларнинг динни тарғиб қилишда олиб борган ишлари ҳақида сўз юритувчи диний афсоналарнинг ғоявий йўналишини ташкил қилади.

Халқимиз орасида кенг тарқалган афсоналар орасида ғоявий мазмунига кўра кундалик турмуш, тирикчилик шарт-шароитлари асосида пайдо бўлганлари ҳам бор. Масалан, «Ёзмишдан ўзмиш йўқ», «Тақдирини ўзгартирган қиз», «Одам Атонинг кенжа қизини узатиши», «Она меҳри», «Қилган ёмонлигинг ўзинга қайтади», «Омонат жонни омон сақлайди», «Баҳоуддиннинг етгиси» каби афсоналарни кўрсатиш мумкин.

Иккинчи бобнинг **«Қорақалпоқ афсоналарининг жанрий хусусиятлари»** деб номланган учинчи фаслида қорақалпоқ афсоналарининг жанрий хусусиятлари ва жанрий чегараларини аниқлашда рус ва бошқа чет эллик олимларнинг халқ насри жанрлари чегараларини аниқлашдаги

<sup>28</sup> Қипчоқлар томонидан яратилган «Чингизнома» эпоси, мўғул хроникаси «Сокровенное сказание», мўғулларнинг адабий мероси «Алтан тобчи» ва б.

<sup>29</sup> Масалан, Нух ва сув тўфони ҳақида Юнонистонда «Дувкалион ва Пирра», Вавилионда «Унтапиштим» (Пирнапиштим), яхудийларда «Ной ва тўфон суви» деган мифлар бор.

<sup>30</sup> Қаранг: «Инжил», «Қуръон» ва Рабғузийнинг «Қисса ул анбиё» даги намуналари.

принцип ва мезонлари эътиборга олинди<sup>31</sup>: асарда сўз юритилган воқеаларнинг реал воқеликка муносабати, ҳаётий ҳақиқатни баёнлашда қўлланиладиган тасвирий унсурлари (сеҳр-жоду, кароматгўйликнинг ўрни), ижро усули, ўзга олам персонажларининг иштироки, макон ва замон категорияларини ифодалаш усуллари, ижтимоий-функционал вазифалари, шунингдек, бадий-структурал қурилишига хос белгилари асосида қорақалпоқ афсоналарининг жанрий хусусиятлари аниқланди.

Афсоналар воқеа-ҳодисаларнинг тарихга, реал воқеликка яқин бўлган жиҳатларини баён қилади. Бу асарлардаги тарихий ҳақиқат асрлар давомида истеъдодли ижрочилар ва «халқ ҳақиқати»ни (бадий тасаввурни) сеувчи оддий инсонлар томонидан қайта ишланган «халқнинг бадий ҳақиқати» сифатида тушунилади. Афсоналарда реал воқеликни тасвирлашнинг ўзига хос бадий усуллари бор. Уларнинг асосий мазмуни ва маъноси ақлий фантазия билан боғлиқ бўлиб, ақлга зид, хаёлий уйдирмалар асосига қурилган воқеаларни баён этиш ва шу орқали тасвирланаётган воқеа ва ҳодисанинг таъсирчанлигини орттириш ёки қаҳрамоннинг обрўсини кўкларга кўтариш мақсади илгари сурилади. Ушбу сифатлари билан афсоналар мифларга яқин туради. Аммо миф марказида, энг аввало, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар ётади, ҳар хил табиат ҳодисаларини бошқарувчи тангри образида акс эттирилган ҳодисалар, объектлар кўзга ташланади. Афсоналарнинг асосий тасвир предмети эса инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ва фаолиятини тасвирлаш орқали унинг маънавий-ахлоқий қиёфасини юзага чиқариш ҳисобланади. Фантастик унсурлар, образлар эртақларга ҳам хос. Аммо афсоналарда фантастик унсурларни қўллашнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Масалан, қаҳрамоннинг тошга айланиши эртақлар учун ҳам, афсоналар учун ҳам такрорланиб турувчи мотивлардандир. Икки ҳолатда ҳам хаёлот кучи (фантазия) кўзга ташланади. Аммо эртақда қаҳрамоннинг тошга айланиши реал ҳодиса эмас, балки фантастика сифатида тушунилади. Афсоналарда эса барча тасвирланаётган тафсилотлар тўқима бўлса ҳам, уни ишончли, деб қабул қилиш мумкин. Чунки афсоналарда эртақларга нисбатан мифлардаги каби айтилганларга ишонтириш, уни ҳақиқат деб қабул қилиш яққол сезилади.

Афсоналарда тингловчига қандайдир бир воқеа ҳақида хабар бериш орқали ахлоқий таълим-тарбия ва диний панду-насиҳатлар бериш вазифаси кучлироқ бўлади. Уларда реал шахслар билан бирга ўзга олам персонажлари (худодлар, рухлар, фаришталар) иштирок этиб, одатдан ташқари ҳолатлар, сеҳрли ва кароматли ҳодисалар баён қилинади ва шу орқали воқеалар ривож

---

<sup>31</sup> Азбелев С.Н. Отношение предания, легенды и сказки к действительности // Славянский фольклор и историческая действительность. – М., 1965. – С. 11 – 25; Гусев В.Е. Эстетика фольклора. – Л., 1967. – С. 18; Чистов К.В. К вопросу о принципах классификации жанров устной народной прозы. – М., 1964. – С. 5; Пропп В.Я. Жанровый состав русского фольклора // Фольклор и действительность. – М., 1976. – С. 46 – 82; Путилов Б.Н. Фольклор и народная культура // Музей антропологии и этнографии им. Петра Великого – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2003. – 464 с.; Малзунова Л.Ц. Бурятские легенды и предания: жанровая специфика, типология, художественные особенности: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2013; Кушнарева Л.Л. Христианские и мифологические сюжеты в несказочной прозе старообрядцев (семейских Забайкалья конец XIX – начало XX). – Улан-Удэ, 2004.

топиб, сюжет ҳосил бўлади. Демак, афсоналарда сеҳргарлик ва кароматгўйлик сюжет тузувчи ва жанр яратувчи асосий унсурлардан биридир. Афсоналарда замон ва макон категорияларининг қўлланишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу хусусиятлари билан улар миф, эртак жанрларига яқин. Афсоналарда кўпгина ҳолларда «қадим замонларда», «илгари ўтган замонда», «қадимда» каби мифик-сакраллик вақт кўрсаткичлари қўлланади. Вақтнинг қадимийлиги, унинг давомийлиги, ҳозирги давр билан боғлиқлиги сезилиб туради. Воқеа-ҳодисалар илгари бўлиб ўтгандай қилиб кўрсатилади, аммо у ҳозир ҳам, келажакда ҳам давом этиши мумкиндек бўлиб кўринади.

Афсоналарининг тузилиши ва сюжети эртаклар каби кенг кўламли, мураккаб баён шаклига эга эмас, оз эпизодли, одатда бир ёки икки эпизодли бўлиб келади. Одатий (анъанавий) муқаддима (зачин) ва дастурий хотималар учрамайди. Унда хотималар (концовки-констатация) барқарор эмас. Улар эртаклардаги каби эзгулик билан тугалланувчи яқунлардан фарқланиб туради. Агар эртак турғун шаклдаги муайян тузилишга эга жанр бўлса, афсона ва ривоятлар эркин шаклга эга бўлади. Баъзи ҳолларда афсоналарда ҳам кўп сюжет ҳосил қилиш ҳолатлари учрайди. Масалан, «Сулаймон шоҳ ва бойўғли», «Искандар шоҳ ва обиҳаёт суви» ва бошқа афсоналарда воқеалар кетма-кетлиги миф, эртак ва афсона мотивлари орасида контаминация ҳодисасининг содир бўлишига олиб келган.

